

**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БҮЛМАГАН ТАДБИРКОР
ИСТЕЙМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
ШАРТНОМАСИ**

20~~22~~ йил “19” 01

№ 160618 сон

Охангарон туман
Т(Ш)ЭТК номи

“TOSHKENT NETK” AJ Охангарон ТЭТК туман (шаҳар) электр таъминоти корхонаси (кейинги ўринларда “Корхона” деб юритилади) № _____ сонли **Бош ишончнома** асосида фаолият юритувчи раҳбари

К.Мирзаев бир тарафдан ва
(туман(шаҳар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.)

Охангарон туман Мактабгача таълим булими (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб (истеъмолчининг номи) юритилади) нинг низом асосида фаолият юритувчи раҳбари **М.Абдурахманова** (истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.Ш.) иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”га электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва “Истеъмолчи” истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 548464 кВт.с. реактив _____ кВар.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 246 808 800 (Икки юз кирк олти минг саккиз юз саккиз минг саккиз юз) сўмни, тариф бўйича _____ ташкил этади.

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган, (кераклиси ёзилсин)

2.3. “Истеъмолчи”га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. “Истеъмолчи” томонидан истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳажми ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида, хисобга олиш приборлари уланган ток ва кучланиш трансформаторларининг трансформация коэффициентлари инобатга олинган ҳолда аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилар ва тадбиркорлик субъектларидан ташқари) электр энергиясини хисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган “Истеъмолчи” (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари

уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:
яrim тифиз давр – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тифиз давр – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта миқдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсуви коэффициентни кўллаш орқали;

тунги давр – сутканинг коронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга кўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табақалаштирилган тариф кўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

Уланган қувватидан қатъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи истеъмолчилар (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йифимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган таксимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гурухига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсуви коэффициентга мувофиқ тўлайди.

3.3. Бир неча тариф гурухларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гурухига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

“Истеъмолчи” томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гурухи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

3.4. “Истеъмолчи” ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиқсан ҳолда) ёки унинг иштирокисиз ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисботот тузади.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона”га энергиянинг сарфланиши тўгрисидаги ҳисботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “25” санаасигача тақдим этади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган “Истеъмолчи”лар бўйича электр энергия сарфи бўйича ҳисботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тифиз, яrim тифиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, “Худудий электр тармоқлари” корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон килади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланган хажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри кўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилиди ва “Таъминотчи корхона” томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. “Истеъмолчи”га электр энергияси етказиб бериш 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибида Таъминотчи корхонага мурожаат қилгандарни тақдирда электр энергияси истеъмолчиларга 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг оҳиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варагини тақдим этади.

“Истеъмолчи” турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этадилади.

“Таъминотчи корхона” томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варагини шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишини тақомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу шартномага З-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми “Истеъмолчи” билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юкори қувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган “Истеъмолчи” учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун кўшиб борилади. (6-,7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиради).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолининг ўртacha суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибида Таъминотчи корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибида амалга оширилади.

3.11. Таъминотчи корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги элекстр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини хар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. “Истеъмолчи” томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида “Таъминотчи корхона”га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки почта алокаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар хамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги хажмини аниқлаш учун асос бўлиб ҳизмат қиласиди.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭҲНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

“Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг шахсий ҳисоб-ракам ва ҳисобга олиш приборларининг холати хақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон хамкорлик қилиш тизимида реал вакт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фойиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, “Истеъмолчи”дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси эсаъми ҳаёсми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

“Истеъмолчи”нинг электр энергияси ҳакини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноконуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

“Истеъмолчи” шартномада кўрсатилган электр энергияси хажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач карздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун “Истеъмолчи”га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи микдорида, электр энергияси маҳсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз микдорида пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий микдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. “Истеъмолчи” ва “Таъминотчи корхона” ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. “Истеъмолчи”ни қуидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун карздорлик мавжуд бўлганда;

таъминотчи корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл кўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиш ҳатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноконуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноконуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа холатлари аниqlангандা.

Ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва кувватда танқислик вужудга келганда, аварияларга йўл кўймаслик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узуб қўйилишининг олдини олиш мақсадида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўчириш вақтини кўрсатган ҳолда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва иншоотларни ёритгичларни, электр иситиш ва исик сув билан таъминлаш қурилмаларини ўчириб қўйишни талаби бажарилмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, “Истеъмолчи”ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. “Истеъмолчи” томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд карздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. “Истеъмолчи” электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алохида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳак тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.18. “Истеъмолчи” томонидан истеъмол килинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қуидаги ҳоларда ахоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги ЎРҚ 327-сон Конуннинг 28-моддасига асосан Оилавий корхона турар жойдан

бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган холда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиши) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳакини тўлаш ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси худудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуидаги хуқукларга эга:

“Истеъмолчи”нинг электр қурилмаларини “Таъминотчи корхона” электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

“Таъминотчи корхона”га истеъмол киладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин, тегишли миқдор учун 100 % тўлов амалга оширилган тақдирда, 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткинлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун хужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор килиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юкори органга (мансадор шахсга) мурожаат қилиш.

“Истеъмолчи” қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқукларга ҳам эга.

4.2. “Истеъмолчи” қуидагиларга мажбур:

худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимига риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (куввати) учун ўз вақтида ҳак тўлаш;

ишлатилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, худудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

электр энергиясидан оқилонा� фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

«Ўзэнергоинспекциясининг» ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларига риоя этиш;

ўрнатилган тартибда худудий электр тармоқлари корхонаси вакилига электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин электр энергиясининг зарур микдори учун 100 % олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда “Таъминотчи корхона”га буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишида, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган “Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона”нинг талабига кўра қуидагиларни ҳисобга олиши ва бу ҳақида хабар бериш шарт:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги микдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (кувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар юкорида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гурух бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гурухлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлитини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш максадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган холда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажариши щарт.

“Истеъмолчи” қонун ҳужжатларига мувофик бошқа мажбуриятларга кам эга.

4.3. “Таъминотчи корхона” қуидаги ҳуқуқларга эга:

“Истеъмолчи”дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажарилиши талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи” томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида “Истеъмолчи”ни электр тармоғидан узид кўйиш;

ЭҲНАТга уланган ёки электр энергиясига олдиндан ҳак тўлаш курилмасига эга хисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳак тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Электр тармоғи хўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлик кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарурати бўлганда, “Истеъмолчи” билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан энергия етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш.

“Таъминотчи корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан “Истеъмолчи”ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун “Таъминотчи корхона” жавобгар бўлмайди.

4.4. “Таъминотчи корхона” қўйидагиларга мажбур:

“Истеъмолчи”га электр энергиясини электр тармоғи орқали элекстр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, хисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф килиш;

электр тармоғи хўжалиги объектларини режали туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 кун олдин огохлантириш;

“Истеъмолчи”ни электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вакти кўрсатилган ҳолда “Истеъмолчига” олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганини ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги “Истеъмолчи”нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чикиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

“Истеъмолчи”га ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия хисобини юритиш;

“Истеъмолчи”нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

“Истеъмолчи”да ўрнатилган хисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Таъминотчи корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, “Таъминотчи корхона” бунинг натижасида етказилган ҳакиқий зарарни қоплашга, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳакиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи” олдида моддий жавобгар бўлмайди ягар.

“Истеъмолчи” электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки кувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл

кўйганда, “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун “Истеъмолчи” олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Томонлар уларнинг хоҳиш ва ҳаракатларига боғлик бўлмаган табиий оғатлар ёки ижтимоий-иктисодий вазиятлар сабабли ушбу шароитларда қайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолатларни ўз ичига олган енгид бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан ҳеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармагани учун жавоб бермайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишининг иложи бўлмаганда, улар конунчиликда белгиланган тартибида ҳал қилинади.

5.5. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидағи электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидағи технологик сарфларга ўтказилади.

VI. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор килган холда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энёргиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – хуқукий хужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИЛЛАРИ

ИСТЕММОЛЧИ:

Юридик манзили Охангарон шахар З кичик нохия
 Ҳисобрақами 100022860272127091100251012

Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 207267384

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеммолчилар учун:

Бюджет фондининг ҳисобрақами

Банк коди (МФО) STIR (ИНН)

Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисобрақами

Банк коди (МФО) STIR (ИНН)

КҚС тўловчининг коди

Телефонлар: 645-46-60 Факс: _____ e-mail: _____

(Истеммолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди электрон манзил ёзилади)

Кадастр рақами 11 : 0 : 8 : 03 : 01 : 03; 0575

Статистик кодлар:

IFUT (ОКЭД)

DBIBT (СООГУ)

MNOBT (СОАТО) 1727212501

(КФС) 200

TSHK (КОПФ) 270

ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНА:

Почта манзили Охангарон шахар, Эзгулик кучаси-99 уй

Ҳисобрақами 2263 6000 9001 2495 8433

Банк коди (МФО) 00490 STIR (ИНН) 201 221 748

КҚС тўловчининг коди

Телефонлар: 645-32-00 Факс: 645-33-07

Статистик кодлар:

DBIBT (СООГУ)

MNOBT (СОАТО) 1727218866

Истеммолчи:

М.Абдурахманова

М.Ў., имзо, лавозими, Ф.И.Ш.

Таъминотчи корхона:

К.Мирзаев

М.Ў., имзо, лавозими, Ф.И.Ш.

ЮРИСТКОНСУЛЬТ ҲУЛОСАСИ:

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси юристконсульт Мирзаев ел

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли карори талабларiga мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунилилт талаблари монийлик килимайди. Шартнома иштирокчиларининг хукуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодёкси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукуқий базаси тўғрисида”ти қонуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида қонуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари низоларни ҳал килиш тартиби белгиланган.

Юристконсульт

Электр таъминотининг шартномасига 1

- илова

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гурухси V-бешинчи _____
2. Фаолият тури бюджет МТТ _____
3. "Истөмөлчи" электр курилмаларининг уланган қуввати: кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват III кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) _____
6. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (амалда) _____
6. Хисоб-китоб тури: _____

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган (кераклиси ёзилсин)

Давр	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
		I (бюджет)	II (бюджетдан ташкари)	III (жами)	IV
Йил, жами	548 464	123 404 400	123 404 400	246808800	
Январь	182 822	41 136 000	41 136 000	82272000	
Февраль	182 822	41 136 000	41 136 000	82272000	
Март	182 820	41 132 400	41 132 400	82264800	
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига фойдаланади 24 соат, ойга 30 кун

Умумий юкламага нисбатан сменалар бўйича юкланиш % хисобида I , II , III

Истөмөлчи

М.Абдурахманова

М.Ў (Имзо, Ф.И.Ш., сана)



Таъминотчи корхона

К.Мирзаев

М.Ў (Имзо, Ф.И.Ш., сана)



Электр таъминотининг шартномасига
2 - илова

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

Хисоб-ки то бко эффициен	Хисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги курсаткичлари ҳисоблагич курсаткичи	Тариф тасум/ 1 кВт.			
			Ток	Кучнанчи	
0,4KB	CE-303(1МТТ)	43000367	23	1	1 25397
	CE-303 (2МТТ)	114210135456	23	200/5	1 40 618
	CE-303(3МТТ)	113210082486	23	1	1 1 1353
	CE-303(4МТТ)	48001747	23	1	1 1
	CE-303(5МТТ)	42624936	23	1	1 20 1189
	DDS-28(6МТТ)	111190087510	23	1	1
	CE-303(7МТТ)	113210084251	23	1	1 1 1329
	CE-303(8МТТ)	113210081450	23	1	1 1 4322
	CE-303 (9МТТ)	113210081154	23	1	1 1 357
	CE-303(10МТТ)	11421000261	23	200/5	1 40 557
	CE-303(11МТТ)	37867429	23	1	1 30 1133
	CE-303(12МТТ)	118543611	23	1	1 1 18337
	CE-303(13МТТ)	40651939	23	1	1 1 38181
	CE-303(14МТТ)	40338148	23	1	1 1 3643
	CE-303(16МТТ)	35380916	23	1	1 1 1856
	CE-303(17МТТ)	39933948	23	1	1 30 420
	CE-303(18МТТ)	113210001557	23	1	1 1 5727
	CE-303(19МТТ)	00927160073025	23	50/5	1 1 0

Имзолар:

Истевъомлчи:

 М.Абдурахманова _____
 М.У. (Имзо) 

Таъминотчи корхона:


 К.Мирзаев _____
 М.У. (Имзо) 

Электр таъминотининг шартномасига
5-илова

**Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича
ХИСОБОТ**

20 ____ йил _____ ойи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана « ____ » 20 ____ йил.

Уланган жой номи, хисобга олиш приборининг завод раками, хисобга олиш тури (актив, реактив)	Хисоб-китоб коэффициенти			Хисобга олиш прибори кўрсаттичлари		Хисобга олиш прибори курсаткичларининг фарки	Сарф кВт.с., кВАр.с.	Табакалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.					
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучла-ниш трансформаторининг (КТ)	уму-мий	бошланғич	охирги			Эрталабки тигиз вакт	Кун	Кечки тигиз вакт	Тун		
								соат 6-9	соат 9-17	соат 17-22	соат 22-24	соат 0-6	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	
	x			x		x							
Жами													

Изоҳ: $7_{\text{устун}} = 6_{\text{устун}} - 5_{\text{устун}}$, табакалаштирилган хисоб учун назорат раками $8_{\text{устун}} = 7_{\text{устун}} + 4_{\text{устун}}$,
 $8_{\text{устун}} = 9_{\text{устун}} + 10_{\text{устун}} + 11_{\text{устун}} + 12_{\text{устун}} + \text{гр} 13_{\text{устун}}$,



М.Абдурахманова
Ф.И.Ш.имзоси

Истеъмолчи раҳбари

М.У.

Таъминотчи корхона энергетиги

К.Мирзаев
Ф. И. Ш.имзоси

Электр таъминотининг шартномасига

6 - илова

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Куввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,		X		
1.2.	Кўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган тақиқилотлар уланиши вақтларини тўлдириши шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гурухлари бўйича		
		I	II	IV
Январь				
Февраль				
Март	x	x	x	
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг хар бир хисобот даври учун иқтисодий киймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аникланадиган кувват коэффициентининг оптимал миқдори хисобга олинниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиккан холда аникланади.

Хисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий кийматининг амалдаги миқдори истеъмол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан холда аникланади.

Тарифга устама қўшилган киймат солиғи хисобга олинмаган холда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий киймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан холда аникланади;

10 % - реактив энергиядан иқтисодий киймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол килинган актив энергия ва кувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан холда аникланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси хисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги хисобига кувват коэффициентининг норматив киймати Истеъмолчи томонидан қўллаб-кувватланмаслиги аникланганда, худуий электр тармоқлари корхонаси томонидан конун хужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши кийматининг техник-иқтисодий хисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, кувват коэффициенти қўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда хисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш хисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеъмолчи томонидан кувват коэффициентининг амалдаги кийматини пасайтиришга йўл қўйилғанилиги тўғрисида “Ўзэнергоинспекция”нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган киймат солиғи хисобга олинмаган холда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдорида белгиланади.

Истеъмолчи:

М.Абдурахманова

(Имзо)

М.У.



Таъминотчи корхона:

К.Мирзаев
(Имзо)

М.У.



Электр таъминотининг шартномасига

7 - илова

**Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчининг

иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки кисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

Т/Р №	Технологик бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда колдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.	x	x	x
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишилаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнгий, захарланиши ва бошқа баҳтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронига шунингдек авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич x _____ кВт
II босқич x _____ кВт
III босқич x _____ кВт
IV босқич x _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб қуийлади.

Т/Р №	Авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда колдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.	x	x	x
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига иситилиши тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёритгичлари электр тармогидан узилмаган ҳолда қолдирилади.

б) Ёнгинга қарши захира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайди (ушибу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Таъминотчи корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:

Истеъмолчи:

М. Абдурахманова
(Имзо)

М.У.

Таъминотчи корхона:

К. Мирзаев
(Имзо)

М.У.

50

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.

Ohangaron tuman Maktabgacha ta'lismi bo'limiga "Toshkent HETK" AJ Ohangaron tuman elektr ta'minoti korxonasi tomonidan elektr energiyasi etkazib berish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Ohangaron tumani Maktabgacha ta'lismi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 12.01.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Ohangaron tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti



A.Sa'dullayev

2022 yil 13 yanvar